

2023
5(13)



ISSN 2181-2551
E-ISSN 2181-2561

IQTISODIYOT VA TURIZM
xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali

ЭКОНОМИКА И ТУРИЗМ
международный научно-
инновационный журнал

ECONOMICS AND TOURISM
international scientific and
innovative journal

ISSN 2181-2551



9 772181 255890

E-ISSN 2181-2561



9 772181 256001



MUNDARIJA

Хамроев Х.Р. Tizim, uning o‘z-o‘zini boshqarish va "sanatsiya" qobiliyatlari	5
Назаров Қилич Холмурадович. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш йўллари.....	12
Ҳамдамов Амридин Ҳамдам ўғли. Туризм соҳасида рақамли технологияларга асосланган туристик хизмат турларидан фойдаланишнинг концептуал йўналишлари.....	26
A.J.Abdulloev. The social and technological aspects of organizing the activities of agroclusters.....	36
Alimova Guzal Alisherovna. Evolution of the development of theoretical approaches to the concepts of recreational-tourist and military-recreational activities	45
Қодиров Азизжон Анварович. Экотуризм ривожланишининг илмий-назарий асослари.....	52
Мухаммедова Зарина Муродовна. Постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг зарурати ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти	59
Камилов Бахрамджан Умарджанович. Создание страховых экосистем как важнейшее направление повышения эффективности и трансформации национального страхового рынка	66
Бауетдинов Мажит Жанызақович. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбалари	74
Х.М. Мисиров. Темир йўл корхоналарида активлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари	83
Норова Нозима Набиевна. Тижорат банкларининг даромадлилигини сунъий интеллект орқали ривожлантириш истиқболлари.....	92
Абдувахидов Абдумалик Махкамович, Исмаилова Сайера Улугбековна. Основные тенденции развития туризма в условиях цифровизации экономики Узбекистана.....	107
Азиза Тохировна Ахмедова. Влияние финансового механизма на повышение эффективности деятельности малого бизнеса и предпринимательского субъекта.....	113
S.T. Toshaliyeva. Kichik tadbirkorlik sub'ektlari ob'ektiv zarurligini asoslash	120
Омонов Шермухаммад Бекмурод ўғли. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклиги ривожланишининг тамойиллари, шакллари ва моделлари	132
Гавҳар Хидирова. Минтақада ички туризмнинг шаклланишида маҳаллий туристлар сонининг истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш	143

Гавҳар Хидирова
и.ф.ф.д., доцент

МИНТАҚАДА ИЧКИ ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МАҲАЛЛИЙ ТУРИСТЛАР СОНИНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Аннотация: Мақолада ички туризмни минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан ўзаро боғлаш занжири шакллантирилган, ички туризмни таҳлил қилиниб ва прогнозлаштиришда Model 54: OLS ҳамда Model 64: ARMAX моделларнинг адекватлигин асослаш учун зарурий ва кўшимча мезонлар натижаларга асосланган ҳолда иккала кўрсаткичнинг 2022-2026 йиллар учун прогноз қийматларини ишлаб чиқилган, уни ривожлантириш стратегиясини, давлат томонидан минтақада ички туризмни қўллаб қувватлаш бўйича илмий-назарий, услубий ёндашувларни ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: ички туризм, драйвер, ўсиш нуктаси, туризм индустрияси, туризм улуши, туристик ресурслар, туристик салоҳият, ички туризм бозори.

Кириш: Ҳозирда ва келажакда минтақаларни барқарор ривожлантириш, маҳаллий салоҳиятдан самарали фойдаланиш дунё мамлакатлари учун ўзига хос иқтисодий ўсиш омили бўлиб қолади. Ўз навбатида минтақаларда иқтисодий ўсишни таъминлаш, энг устувор ижтимоий муаммоларни (бандлик, даромад, инсон капитали ва бошқалар) ҳал қилишда туризмни, жумладан ички туризмни ўрни ва аҳамияти янада ошиб боради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки минтақада туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш маҳаллий маҳсулотлар ва хизматларни кенгайтириш учун қулай имконият яратиб, ялпи ҳудудий маҳсулотни кўпайтириш билан бир қаторда инфратузилма объектларини туристик талаб асосида кенгайтириш имкониятини беради. Булар, ишлаб чиқиш, ижтимоий ва бозор инфратузилма объектларидир (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, транспорт тизими, коммунал хўжалик, меҳмонхоналар ва овқатланиш муассасалари ва бошқалар).

Жаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра асосий туристик йўналишларда ташқи туризмнинг улуши 25-30%ни ташкил қилиб, қолгани ички туризмга тўғри келади. Умумий туризм турлари таркибида ички туризм миллий ва маҳаллий бюджетни шакллантирувчи асосий даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ички туризмдан олинadиган даромад умумий даромадни 70-90 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич UNWTO манбаларига мувофиқ 2018 йилда Хитойда-91,0%, Бразилияда-95,0%, Японияда-94,0%, Кореяда-93,0%, Мексикада-88,0%, Буюк Британияда-82,0%, АҚШда-81,0%, Австралияда-73,0%, Малазияда-75,0%, Францияда-70,0%, Италияда 71,0%дан-19 юқори.

COVID-19 туфайли халқаро туризм юқорида қайд этилгандек маълум инқирозга учради. Лекин бу инқирозни енгиб ўтишда деярли барча дунё мамлакатлари устувор йўналиш сифатида асосий урғуни ички туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратдилар.

Ўзбекистонда ички туризмга бўлган эътибор ва уни барқарор ривожлантириш бўйича чора тадбирлар 2017-2021 йилларга мўлжалланган стратегияни амалга ошириш жараёнига тўғри келади. Мамлакатда ички туризмни ривожлантиришга бағишланган тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Айниқса ички туризмни минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан ўзаро боғлаш занжирини шакллантириш, ички туризмни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, уни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, давлат томонидан минтақада ички туризмни қўллаб қувватлаш бўйича илмий-назарий, услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакат минтақаларида ички туризмни ривожлантиришни самарали шакл ва турларини ривожлантиришни хориж ва мамлакат олимларининг ўтказган тадқиқот

натижалари, ушбу йўналишдаги илмий мактабларнинг қарашларини эътиборга олган ҳолда илмий-назарий асосларини шакллантириш, ушбу илмий ишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади. Бунинг учун энг аввало минтақа ва ички туризм категорияларининг тушунчаси ва маъносини аниқлаштириб олишимиз керак.

Адабиётлар таҳлили: Минтақаларни комплекс ривожлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар ўртасидаги мутаносиблик, замонавий бошқарувнинг усуллари ва механизмлари кўплаб хорижий ва мамлакатимиз олимларнинг илмий ишларида ўрганилган. Хорижлик олимлар Р. Беннет, А. Вебер, А. Гранберг, Р. Ҳаррис, В. Кристаллер, О. Кузнецова, М. Портер ва бошқаларнинг ишларида минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш механизмларига (кластерлар, диффузия орқали ривожланиш, ўсиш нуқталари) эътибор берилган.[1,2,3,4]

Минтақаларда туризмни ривожлантиришга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар ҳам дўстлик мамлакатлари олимлари томонидан амалга оширилган (Ковынева Л.В., Войнова Я.А., Джанджугазова Е.А., Магамедов М.А., Орджоникидзе М.М., Севастьянова С.А. ва бошқалар).[5,6,7,8,9]

Ўзбекистон шароитида минтақавий ривожланиш назарияларини қўллаш имкониятларига бағишланган катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бу ўринда Қ.Х. Абдурахмонов, Т.М. Аҳмедов, А.М. Содиқов, Ш. Назаров, Б.Р. Рўзиметов, Ф.Т. Эгамбердиев ва бошқа бир қатор олимларни минтақалар иқтисодиётига бағишланган илмий асарларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ.[10,11,12] Ушбу олимларнинг илмий изланишлари минтақавий иқтисодиётнинг мавжуд назариялари танқидий жиҳатдан таҳлил қилинган бўлиб, минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг дунё тажрибаси умумлаштирилган, минтақаларни барқарор ривожлантиришнинг турли шакллари (эркин иқтисодий зоналар, кластерлар, махсус саноат, фармацевтика, туризм зоналари) ва механизмлари (ҳуқуқий, институционал, иқтисодий) кўриб чиқилган.

2016-2020 йилларда Ўзбекистонда минтақавий сиёсатни амалга оширишда кескин бурилиш юз берди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ва маҳаллаларни барқарор ривожланишини таъминлаш, мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган ислохотларнинг ўрни ва аҳамияти юқори даражага кўтарилганлигини аълоҳида таъкидлаш лозим.

Тадқиқот объекти минтақавий туризм бўлганлиги сабабли, минтақа (ҳудуд) тушунчасини аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ. Минтақавий иқтисодиёт фанида минтақа тушунчаси буйича олимлар ва мутахассислар ўртасида ягона фикр йўқ. Минтақа термини лотинча бўлиб, маълум жой ёки ҳудуд деган маънони билдиради.

Л.В. Ковынева ўз илмий ишида минтақага қўйидагича муаллиф таърифини берган. “Минтақа мумкин бўлган ва керакли маъмурий бўлинишдан иборат ижтимоий организмдир”[13]. И.Н. Шапкин таърифига кўра “Минтақа табиий шароити бирлиги ва ишлаб чиқариш кучларини маълум йўналишини ўз ичига олган ҳудуд”.[14] Машхур россиялик олим А.Г. Гранбергнинг таъкидлашига минтақа тизими қўйидагилардан иборат: бутун дунё, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, мустақил давлатлар, макроиқтисодий зоналар, иқтисодий районлар, давлатнинг субъектлари (автоном республика, вилоят, шаҳарлар ва туманлар)[1]. А.М. Содиқов минтақа (регион) тушунчаси “яхлит махсус ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, бошқа мамлакат территорияларидан ўзининг ихтисослашуви ва иқтисодиёти ривожланганлиги билан ажралиб туради”[15]

Методологияси: Хориж давлатлар ва мамлакатимиз олимларининг қарашлари ва фикрларини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистондаги расмий маъмурий ҳудудий бўлиниш (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар, туманлар) минтақалар тизимини шаклланиши учун асос бўлади. Муаллиф томонидан ушбу минтақалар тизимини ва атамаларини қўллаб-қувватлаш учун аниқ далиллар мавжуд. Ушбу минтақалар (ҳудудлар синоним) биринчидан; ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг ўз молиявий базасига эга (махаллий бюджетлар), иккинчидан улардаги

ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, тартибга солиш учун бошқарув тизими шакллантирилган (хокимиятлар, маҳаллий кенгашлар), учинчидан улар учун бажарилиши зарур бўлган мамлакат миқёсида ижтимоий-иқтисодий барқарор тараққиётни таъминловчи қонунлар ва бошқа расмий ҳужжатлар ишлаб чиқилган, тўртинчидан улар ўз территорияларида маҳаллий салоҳият, жумладан туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратилган.

Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда ислохотларнинг асосий маркази ва оғирлиги минтақаларга қаратилганлиги айтиш лозим. Айниқса қишлоқ туманлари, маҳала кесимида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни мониторинг қилиш, маҳаллий табиий-иқтисодий ресурслардан фойдаланиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, иш жойларини ташкил этиш, янги ўсиш омиллари (драйверларини) аниқлаш устувор вазифалар қаторига киритилган.

Минтақани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг унинг иқтисодий таркибини такомиллаштириш, драйвер сифатида ўсиш нуктаси бўлиш кўп жиҳатдан ички туризм билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли ички туризм термини, маъноли, мақсадли вазифалари, унинг турлари ва шакллари илмий-назарий жиҳатдан аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ.

Ички туризм термини Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги қонунда қўйидагича тушунтирилган. “Халқаро ва ички туризм шакллари. Ички туризм Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги саёҳатини ўз ичига олади”.[16]

Яна бир расмий таъриф давлат статистика қўмитаси томонидан берилиб, унга мувофиқ “Ички туризм-кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидаги ички ёки чиқувчи сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади”.[17]

Расмий ҳужжатларда баён қилинган хорижий ва мамлакат олимлари томонидан билдирилган ички туризмга берилган таърифларни умумлаштирган ва аниқлаштирган ҳолда муаллиф қўйидаги ўз фикрини илгари сурган. “Ички туризм мамлакат миқёсида, унинг турли даражадаги минтақалари ўртасида маҳаллий аҳолини сайёҳлик оқимини шаклланишидан иборат”

Халқаро статистика талабларига мувофиқ ички туризм оқими қўйидагиларни ўз ичига олади. Хизмат юзасидан сафарда бўлганлар, қисқа муддатли таълим бўш вақтда дам олиш, қариндош ва танишларини бориб кўриш, даволаниш ва соғлиқни тиклаш, диний жойлар ва зиёратгоҳларга бориш, махсулотлар харид қилиш, касб ишга доир масалаларни ҳал қилиш ва бошқа шахсий мақсадлар учун бошқа шахсий мақсадлар учун бошқа минтақаларга ташриф буюрганлар.

Усуллар ва натижалар: Кўриниб турибдики ички туризмни саёҳат мақсадлари асосида шаклланиши нисбатан кенгроқ бўлиб бевосита кўрсатиб ўтилган сайёҳларнинг ҳаммаси ҳам туристик хизматлардан тўла фойдаланимайди. Бизнинг фикримизча ички туризм саёҳат йўналишларини ва аҳолини чуқурроқ таҳлил қилишда ва уни ривожланиш стратегиясини аниқлашда умумий ички туризм оқимини бевосита саёҳат мақсадида келиб чиққан ҳолда шакллантириш лозим. Мақсадли ички туризм энг асосий бевосита сайёҳлик мақсадида ташриф буюрувчилар орқали шакллантирилса, унинг амалий аҳамияти янада ошган бўлар эди. Ушбу оқимда биринчи навбатда дам олиш ва бўш вақтларини мароқли ўтказиш, даволаниш ва соғлиқни мустаҳкамлаш, улуг аждодлар руҳини ёдлаш ва тарихий маданиятнинг сабоқ олишга қаратилган зиёратни амалга ошириш учун саёҳатга чиққанларни эътиборга олиш керак.

Аниқ мақсадга йўналтирилган ички туризм минтақада ҳозирда ва келажакда унга бўлган талаб ва таклифни шакллантириш, аниқ транспорт ва инфратузилма объектларни ривожлантириш, тараққиёт стратегиялари ва концепцияларини ишлаб чиқиш учун аниқ илмий-назарий ва амалий таклифлар тайёрлаш учун мустаҳкамлаш замин яратишга хизмат қилади.

Юқорида аниқлаштирилган ички туризм атамаси, маъноси, мақсадли шакллантириш таркибидан келиб чиққан ҳолда, унинг асосий вазифаларини аниқлаштириш илмий ва амалий аҳамиятга эга. (1. -чизма).

Минтақада ички туризмни ривожлантириш мақсадлари иккита йўналишга ажратилган. Биринчи, энг устувор вазифа бу аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ижтимоий соҳа ва таълим тарбия тизимида сифат ўзгаришларини амалга ошириш. Туризм индустриясини ривожланиши аввалом бор мамлакат ва минтақалар аҳолисини туризм хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлиб, инсон капиталини янада юқори даражага кўтаришга қаратилган.

Худудлардаги энг долзарб ва муҳим ижтимоий вазифа тез суръатларда ўсаётган аҳолини иш билан таъминлашдан иборат. Ушбу масалани ҳал қилишда ички туризм бир қатор афзалликларга эга. Бу туризмни нисбатан юқори меҳнат сиғимига эгаллиги, янги иш жойлари ташкил қилишда камроқ харажатларни амалга оширилиши билан боғлиқ. Ўз навбатида янги иш жойлари аҳоли даромадларини ошишига, камбағалликни қисқартиришга олиб келади.



1. чизма. Минтақада ички туризмни ривожлантиришнинг мақсадлари ва вазифалари¹

Ижтимоий йўналишдаги энг муҳим ва ўзига хос бўлган вазифа ички туризм орқали барча аҳоли қатламларини, биринчи навбатда болалар ва ёшларни таълим-тарбиясини таъминлашдан иборат. Ёшларни тарихдан хулоса олишлари, улуғ аждодларга муносиб улғайишлари, ватанпарварлик руҳини уйғотишда, муқаддас ислом динини моҳиятини тўғри тушунтиришга, дунё қарашларини кенгайтириш, маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишда зиёрат туризмни ёш авлодни тарбиялашда нақадар аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим.

Зиёрат туризми орқали болалар, ёшлар, қариялар ва бошқа тоифадаги аҳолимизни билими ва маданиятини оширишда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида (Япония,

¹ Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Жанубий Корея, Малазия, Индонезия) эътиборни юксак даражада эканлиги биз учун ўзига хос ижобий тажриба сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни таъкидлашига кўра: “Ички туризмни ривожлантириш дастурлари доирасида ёшларнинг таътил пайтида республикамиз буйлаб саёҳатларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим”[18]

Ички туризмни ривожланиши миллий кадриятлар, урф-одатлар, меҳмондўстлик анъаналарини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ўзига хос замин яратади. Сайёҳлар учун қулай муҳит ва шароитни яратилиши шаҳарлар ва қишлоқларни ободонлаштириш, уй-жой-коммунал хўжалик, мактабгача тарбия муассасалари, умум таълим мактаблари, олий ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектларини мутаносиб равишда ривожлантиришни талаб қилади. Туризм инфратузилмасида ташкил қилинадиган янги иш жойлари, хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш жойларда миллий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга қаратилган, жаҳон андозаларига мос келадиган юқори малакали менеджерлар, маркетинглар, дастурчиларга бўлган талаб қондириш буйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурият қилиб қўяди.

Муҳим ижтимоий йўналишлар қаторига тарихий ёдгорликларни асраш ва авайлаш, уларни ҳимоя қилиш, барча туристик объектларда табиатни асраш, экологик талабларга риоя қилиш буйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни минтақаларда режалаштириш керак.

Иқтисодий йўналишлар орасида алоҳида таъкидланиши керак бўлган нисбатан янги вазибалар қаторига қўйидагилар киритилган.

- Минтақа иқтисодиёти таркибини такомиллаш мақсадида хизматлар соҳасини, жумладан туризм индустрияси нисбатан юқори суръатларда ривожланиш эвазига, унинг улушини ошириш;

- Ички туризмни илғор инновация ва рақамли технологияларни қўллаш буйича ўрнатилган бўлиши;

- Минтақа иқтисодиёти драйвери сифатида ички туризмни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳити ва инвестицияси фаолликни кучайтириш;

- Туризм билан ўзаро занжирсимон боғлиқлик асосида саноат, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ва хизматлар соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитни яратилиши;

- Туристтик ресурслар ва маҳаллий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш мақсадида тадбиркорликни қўллаб қувватлаш;

- Туристтик зоналар ва кластерларни шакллантириш учун мавжуд имкониятларда самарали фойдаланиш.

Туризм индустриясига бўлган талабни асосини туристик минтақадан (зонадан) иборат. Жаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) таърифига кўра туристик зона, шундай бир ҳудудки у ерда дам олиш, соғлиқни тиклаш учун керакли йирик махсус иншоотлар, ва хизматлар тизими жойлашган. Расмий қонунга кўра “муайян чегараларга эга бўлган, бир ёки бир неча туристик ресурслар (табиий, тарихий, ижтимоий-маданий, даволаш-соғламлаштириш объектлари, шунингдек туристлар ва экскурсантларнинг эҳтиёжларини қаноатлантира оладиган бошқа объектлар) жойлашган, кириш ва ички туризмни, туристик индустрияни ривожлантириш, туристик ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилган ҳудуд туристик зонадир.”[19] Қонунга мувофиқ туристик зоналарни қўйидаги турларини ташкил этиш мумкин: эркин туристик зона, кичик туристик зона, махсус туристик зона. Эркин туристик зоналар эркин иқтисодий зонага, кичик туристик зоналар кичик саноат зоналарига тенглаштирилган. Махсус туристик зона давлат ва тадбиркорлар ташаббуси билан туристик ресурсларга жойлашган ҳудудда ташкил этиш мумкин.

Илмий адабиётларда туристик зона бу географик ҳудуд бўлиб, сайёҳлар томонидан ўз хошишига кўра танлаб олинади. Қўйилган мақсадга кўра туристик зоналар кенг ва тор ихтисослашган зоналарга ажратиш мумкин. Кенг ихтисослашган туристик зоналарга таълим марказлари, саноат марказлари, транспорт марказлари кирилади.

Тор туристик зоналарга мисол қилиб дам олиш жойлари (санатория-курорт бевосита дам олиш хизматлари), тарихий ва диний жойларни кўрсатса бўлади.

Жаҳонда ва мамлакатимизда сўнги йилларда туристик кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мақсадли туристик хизматлар кўрсатишга жалб қилинган корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар мажмуаси туристик кластерни ташкил этади. Туристик кластерни асосий мақсади турли ташкилотлар ва корхоналарни биргаликда яъни ҳамкорликда сифатли хизмат кўрсатиш орқали синергетик самара олишга қаратилган.

Олимлар ва мутахассислар томонидан минтақадаги туристик ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган турли фикрлар мавжуд Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси таърифига кўра “туристик ресурслар-тегишли ҳудуднинг табиий-иқлим, соғломлаштириш, тарихий-маданий маърифий ва ижтимоий-маиший объектлар мажмуи.” Расмий статистик маълумотларда қўйидаги туристик ресурслар қайд этилган:

- Туристик фирмалар ва ташкилотлар;
- Санатория ва курорт муассасалари;
- Жамоавий жойлаштириш воситалари;
- Туристик ташкилотлар;
- Чакана савдо;
- Маданий хордиқ чиқариш муассасалари;
- Жисмоний тарбия ва спорт;
- Инсон ресурслари (кадрларни тайёрлаш).

Ўзбекистонни “Туризм тўғрисидаги” қонунда умуман туризм ресурслари кўрсатилмаган. Бизнинг фикримизга туристик ресурслар табиий-иқлим, тарихий, ижтимоий-маданий ва бошқа объектлардан иборат бўлиб, уларни туристларга кўрсатиш орқали маънавий эҳтиёжларини қондириш, соғлиқларини тиклаш ва мустаҳкамлашга мўлжалланган. Туристик ресурслар ёки синоним сифатида салоҳият на фақат маълум объектларни, шунингдек айрим воқеликлар ва ходисаларни ҳам ўз таркибига олади. Жумладан диний байрамлар, спорт ва маданий анжуманлар, миллий урф ва одатлар ва бошқалар.

Туристик салоҳиятни урта гуруҳга бўлиш мумкин:

- Этнографик ресурслар (маданият, миллий урф-одатлар ва кадриятлар, меҳмондўстлик)
- Антропоген ресурслар (тарихий-маданий аҳамиятга эга объектлар, ҳозирда шаклланган замонавий объектлар ва иншоотлар);
- Археологик топилмалар, тарихий архитектура обидалари, бозорлар музейлар, театрлар ва бошқалар.

Минтақа туристик салоҳиятига баҳо беришда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилма объектлари, жумладан транспорт тизими, сув, газ ва ёқилғи таъминоти, каммунал ва уй-жой хўжалиги, банк ва молия муассасаларини ҳам эътиборда четда қолдириш керак эмас.

Ички туризмни ўрганишнинг илмий услубиёт йўналишлари қаторига уни кўрсатаётган хизматларнинг мақсад ва вазифалари, кўрсатиладиган хизматларнинг даражаси ва таркибини эътиборга олган ҳолда табақалаштиришдан иборат. Табақалаштириш кўрсатилаётган хизматларни аниқлаштириш асосида уларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини, амалга ошириш механизмларини шакллантиришга қаратилган.

Мақсадли табақалашув орқали ички туризмнинг турли шакллари ва турларга ажратиш мумкин. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ички ва ташқи туризм турлари ўртасидаги асосий фарқлар туризм оқимини ҳажми ва йўналиш турлича бўлиши билан ажралиб туради ҳолос. Қўйида ички туризмни жаҳон ва мамлакатимиз тажрибасидан келиб чиқиб табақалашув тизимини шаклланиши келтирилган (2. -чизма)



2- чизма. Ўзбекистонда ички туризм бозорини табақаланиш тизими¹

Расмий маълумотларга кўра (“Туризм тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни) туризм ташкил этилаётган турнинг ўзига хослиги, мавзуси, давомийлиги, ҳаракатланиш усуллари ва турнинг бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм ҳамда туризмнинг бошқа турларига бўлиниши мумкин.

Ички туризм шакллари ва турлари ичида ўзининг долзарблиги ва аҳамияти жиҳатидан ажралиб турадиган маданий-тарихий, зиёрат, маърифий географик, таълим каби мақсадли саёхатларни ташкил этишдан иборат. Ўзбекистонни 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида алоҳида устивор йўналиш сифатида “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда омилга оширилаётган ислохотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга”[20] эканлиги эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси президентини таъкидлашига “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз”.[21] Юқорида қайд этилган ички туризм шакллари бевосита мамлакатимизда маърифатли жамиятни шакллантиришда, миллий кадриятларни ривожлантиришда, маданиятни, урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолиш, тарихимизни ва миллий бойликларни ҳурмат қилишга қаратилган. Айниқса бундай саёхатларни амалга ошириш ёшларимизни ватанпарварлик, инсонпарварлик, буюк аждодларимиз қолдирилган меросга ҳурмат, бебаҳо табиатни, тарихий дурдоналарни асраш ва авайлаш кекса авлодни эъзозлаш руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш, туристик хизматлар кўлами ва ҳажмини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу бир томондан иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, яъни ЯИМ/ЯХМда хизматлар улушини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилса, бошқа томондан аҳоли реал даромадлари ошаётган бир даврда уларнинг

¹ Манба муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

иккиламчи эҳтиёжларини маҳаллий имкониятлардан фойдаланган ҳолда қондириш имкониятини яратиб бермоқда.

Аҳолини туристик хизматларга бўлган талабини қондириш ҳамда ички туризмни ривожлантиришда туристик салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Уларда туризмни ривожини таъминлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, истиқболли йўналишларни белгилаш соҳа ривожининг кейинги йиллар учун прогноз қийматларини ишлаб чиқишда замонавий, миқдорий усуллардан фойдаланиш талаб қилинмоқда.

Мамлакатимизда туристик салоҳияти юқори нафақат ички туризм балки ташқи туризмни ҳам ривожини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳудудлардан ҳисобланган Бухоро вилоятининг туристик салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари ҳамда таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ички туризмни ривожланишининг кейинги йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Тадқиқотлардан маълумки туризмни ривожини таъминлаш мавжуд имкониятлардан фойдаланишда салоҳиятнинг ўзи етарли бўлмайди, балки зарурий инфратузилманинг ҳам мос равишда тарққиётини таъминлаш, туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларнинг мавжудлиги каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бошқача қилиб айтганда дастлаб ташриф буюрувчи туристларни қабул қилиш учун меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сонини талаб даражасида шакллантириш, улар нархини рақобатбардошлигини таъминлаш талаб қилинади. Бундан ташқари турли туристик хизматларни таклиф қилувчи туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар миқдори ва фаолият кўламини ҳам кенгайтириш лозим.

Муҳокама: Юқорида келтириб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда вилоятда маҳаллий туристлар сонини ошишини кейинги йиллар учун прогноз қийматларини ишлаб чиқамиз. Дастлаб шунини таъкидлаш лозимки меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони ҳамда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонини қабул қилинган маҳаллий туристлар сонига таъсири жуда паст эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари¹

	<i>H</i>	<i>PP</i>	<i>PPOZ</i>	<i>PPCIS</i>	<i>PPIN</i>	<i>TF</i>	<i>TRP</i>	<i>TRR</i>	<i>TRRIN</i>	<i>TRRCIS</i>	<i>TRROZ</i>
<i>H</i>	1,00										
<i>PP</i>	0,68	1,00									
<i>PPOZ</i>	0,74	0,94	1,00								
<i>PPCIS</i>	0,65	0,99	0,90	1,00							
<i>PPIN</i>	0,63	0,99	0,89	1,00	1,00						
<i>TF</i>	0,66	0,85	0,73	0,86	0,87	1,00					
<i>TRP</i>	0,11	0,49	0,65	0,42	0,42	0,19	1,00				
<i>TRR</i>	0,05	0,41	0,58	0,33	0,33	0,10	0,99	1,00			
<i>TRRIN</i>	-0,05	0,22	0,42	0,14	0,14	-0,11	0,93	0,96	1,00		
<i>TRRCIS</i>	0,65	0,71	0,54	0,74	0,75	0,84	-0,11	-0,18	-0,31	1,00	
<i>TRROZ</i>	0,23	0,67	0,78	0,62	0,62	0,46	0,92	0,87	0,71	0,06	1,00

Бу ерда: *H* – меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони, бирлик; *PP* – жойлаштирилган шахслар сони, киши; *PPOZ* – жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси фуқарорлари сони, киши; *PPCIS* – жойлаштирилган МДХ давлатлари фуқарорлари сони, киши; *PPIN* – жойлаштирилган узоқ хориж фуқарорлари сони, киши; *TF* – туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сони, бирлик; *TRP* – Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони, киши; *TRR* – қабул қилинганлар сони, киши; *TRRIN* – хорижий ташриф буюрувчилар сони, киши; *TRRCIS* – МДХ мамлакатларидан ташриф

¹ Манба муаллиф ишланмаси

буюрувчилар сони, киши; *TRROZ* – ташириф буюрган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, киши;

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони билан жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони орасидаги етарли даражада юқори боғлиқлик мавжуд бўлиб, корреляция коэффиценти 0,74 га тенг эканлиги аниқланди. Шунингдек, туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонидаги ўзгариш ҳам вилоятда жойлаштирилган Ўзбекистон фуқаролари сонига юқори таъсирга эга бўлмоқда.

Аммо аниқланган корреляция коэффицентига кўра туризмни ривожини ифодаловчи муҳим кўрсаткич, яъни ташириф буюрган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонига меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари ҳамда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сони таъсири аҳамиятсиз эканлиги аниқланди. Бундан кўринадики, туризм ривожини таъминлаш бўйча амалга оширилаётган чора тадбирлар ички туризмга етарли даражада таъсир кўрсатмаётганлиги аниқланди. Бундан ташқари амалга оширилган корреляцион таҳлил натижалари ҳам келтириб ўтилган хулосаларни тасдиқлади, яъни меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони ҳамда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонининг маҳаллий туристлар сонига таъсирини ифодаловчи коэффицентлар адекват эмаслиги аниқланди.

Аммо, шуни таъкидлаш керакки туристик хизматларни ривожланиши учун меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари ҳамда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонидаги ўзгариш ҳам аҳамиятли саналади. Буни ҳисобга олган ҳолда Бухоро вилоятига ташириф буюрувчи туристлар, яъни хорижий ҳамда маҳаллий туристларнинг сонини кейинги 10 йил учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиққан ҳолда улар орасидаги нисбатнинг ўзгаришини аниқлаймиз. Бунда асосий манба сифатида туристик ташкилотлар томонидан таклиф қилинган туристлар сонидан фойдаланилди. Туристик ташкилотлар томонидан таклиф қилинган жами туристлар сони ўзгаришида аниқ бир тенденциянинг мавжуд эмаслиги ҳамда унинг кейинги йилларда пасайиб борганлиги, хусусан пандемиянинг таъсири аниқ кузатилганлигини зарурий моделни ишлаб чиқишда *dummy* ўзгарувчидан фойдаланишни талаб қилди ва қуйидаги моделга эга бўлиниди.

$$TRR = 2750.89 * t - 7465.71 * D$$

Бу ерда: *t* – тренд 2010 йилдан бошланади яъни $t=1,2,3...n$; *D* – *dummy* ўзгарувчи яъни 2018,2019 ва 2020 йиллар учун мос равишда 1, 2, 3 рақамларини қабул қилади.

Келтириб ўтилган моделнинг барча коэффицентлари Стьюдент мезони бўйича адекват, бундан ташқари детерминация коэффиценти ҳам 0,86 ни ташкил қилмоқда. Дурбин-Уатсон мезони бўйича аниқланган миқдор ҳам жадвалда берилган (1,29) қийматдан катта эканлиги аниқланди. Бундан ташқари бошқа мезонлар бўйича ҳам келтирилган миқдорларни белгиланган меъёрлар даражасида бўлиб, ушбу моделдан прогноз қийматларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлигини асосламоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари¹

Model 40: OLS, using observations 2010-2021 (T = 12)

Dependent variable: TRR

	<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>t-ratio</i>	<i>p-value</i>	
D	-7465.71	1726.84	-4.323	0.0015	***
time	2750.89	370.985	7.415	<0.0001	***
Mean dependent var	11113.50		S.D. dependent var	9195.129	
Sum squared resid	3.39e+08		S.E. of regression	5826.552	
Uncentered R-squared	0.859261		Centered R-squared	0.634982	
F(2, 10)	30.52673		P-value(F)	0.000055	
Log-likelihood	-119.9755		Akaike criterion	243.9510	

¹ Манба: муаллиф ишланмаси

Schwarz criterion	244.9208	Hannan-Quinn	243.5919
rho	0.225671	Durbin-Watson	1.442441

Ишлаб чиқилган моделдан фойдаланган ҳолда Бухоро вилоятига туристик ташкилотлар томонидан қабул қилинган туристлар сонининг 2022-2026 йиллар учун прогноз қийматлари ҳисоблаб чиқилди (3-жадвал).

3-жадвал


Бухоро вилоятига қабул қилинган туристлар сонини прогноз қийматлари, киши¹

For 95% confidence intervals, $t(10, 0.025) = 2.228$

Obs	TRR	prediction	std. error	95% interval
2022	undefined	35761.5	7563.61	(18908.7, 52614.3)
2023	undefined	38512.4	7805.39	(21120.9, 55903.9)
2024	undefined	41263.3	8057.01	(23311.1, 59215.4)
2025	undefined	44014.2	8317.57	(25481.5, 62546.9)
2026	undefined	46765.0	8586.25	(27633.7, 65896.4)

Прогноз натижаларига кўра 2022 йилда Бухоро вилоятига туристик ташкилотлар томонидан қабул қилинган туристлар сони 35762 кишини ташкил қилади. Бироқ мазкур кўрсаткични 2020 йил билан солиштирганда 3.3 баробарга ошиқни ташкил қилгани ҳолда бирданига ўзгаришни кўрсатмоқда. Бунинг сабабини асослаш учун 3-расмга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

3-расм Бухоро вилоятига қабул қилинган жами туристлар сонини прогноз натижалари



Чунки, аслида вилоятга қабул қилинган туристлар сони 2015 йилда ўзининг энг юқори қийматига эришгани ҳолда 25111 кишини ташкил қилган бўлса, кейинги йилларда аста-секинлик билан пасайиш кузатишган, бундан ташқари 2018 йилдан кескин пасайиш кузатишгани ҳолда 2020 йилга келиб 1027 кишини ташкил қилган. 2019-2020 йилларда пандемия сабабли кузатишган кескин пасайиш кузатишган, натижада 2020 йилда олдинги йилга нисбатан 12 баробарга камайиш кузатишган. Бу келтирилганларни ҳисобга оладиган бўлсак ҳамда пандемиядан кейинги ўсишни бошланганлиги модел ёрдамида ишлаб чиқилган прогноз қийматларини асосли эканлигини тасдиқлайди.

Прогноз натижаларига кўра кейинги йилларда туристик ташкилотлар томонидан қабул қилинган туристлар сонини барқарорлиги таъминлангани ҳолда ўртача ўсиш суръати

¹ Манба: муаллиф ишланмаси

7,0 foizni tashkil qiladi. Fikrimizcha qabul qilingan turistlar sonidagi barqarorlikni ta'minlashda turistik tashkilotlar tomonidan taklif qilingan xizmatlar va turpaketlar raqobatbardoshligini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi. Ma'halлий va xoriжий turistlar uchun, shuningdek, turistlar tarifi maqsadlaridan kelib chiqqan holda turli paketlarni shakllantirish maqsadga muvofiq bo'ladi. Ma'halлий turistlarni kўpincha turpaketlar qimmatligi sababli u'zlarini sayohat qilish qabul qilingan turistlar statistikasini yuritishdagi muhim muammolardan biri hisoblanadi.

Kelтириб u'tilganlarga asoslangan holda viloyatga ma'halлий hamda uzoq xoriждан qabul qilingan turistlar sonining prognoz qiymatlarini hisoblagan holda ular nisbatlarini u'zgarishini qaraб chiqamiz. Dastlab ma'halлий turistlar sonining u'zgarishini keyingi 5 yil uchun prognoz qiymatlarini ishlab chiqamiz. Buning uchun turli modelلarni qiёсий taхlili natijalariga asoslangan holda eng maқbul model sifatida kuyidagi modelni taklif qilmoқчимiz.

$$TRR = 2750.89 * t - 7465.71 * D$$

$$se = (4274.86) \quad (918.39)$$

$$t = (4.76) \quad (15.25) \quad R^2 = 0.97 \quad d = 2.77$$

Taklif qilingan modelning adekvatligini asoslash uchun zarur bo'lgan muhim mezonlar hamda ularning natijalari yuqorida kelтириб u'tilgan va model adekvatligi asoslangan. Bundan tashqari kўshimcha mezonlar hamda ularning natijalari ham 4-jadvalda kelтириб u'tilgan.

4-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари

Model 42: OLS, using observations 2010-2021 (T = 12)
Dependent variable: TRROZ

	<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>t-ratio</i>	<i>p-value</i>	
D	-2809.67	584.716	-4.805	0.0007	***
time	1250.90	125.617	9.958	<0.0001	***
Mean dependent var	5666.000		S.D. dependent var	3495.211	
Sum squared resid	38923152		S.E. of regression	1972.895	
Uncentered R-squared	0.925094		Centered R-squared	0.710353	
F(2, 10)	61.75001		P-value(F)	2.36e-06	
Log-likelihood	-106.9804		Akaike criterion	217.9608	
Schwarz criterion	218.9307		Hannan-Quinn	217.6018	
rho	-0.351326		Durbin-Watson	2.289722	

Mazkur modeldan foydalанилган holda prognoz qiymatlari hisoblangan (5-jadval).

5-жадвал

Бухоро viloyatiga qabul qilingan ma'halлий turistlar sonini prognoz qiymatlari, киши

For 95% confidence intervals, t (10, 0.025) = 2.228

Obs	TRROZ	prediction	std. error	95% interval
2022	undefined	16261.7	2561.07	(10555.3, 21968.1)
2023	undefined	17512.6	2642.94	(11623.8, 23401.5)
2024	undefined	18763.5	2728.14	(12684.8, 24842.2)
2025	undefined	20014.4	2816.36	(13739.2, 26289.7)
2026	undefined	21265.3	2907.34	(14787.4, 27743.3)

Yuqoridagi holatni ushbu prognoz natijalarida ham kuзатиш mumkin, ammo jami turistlar sonidagi u'zgarishlarga nisbatan ma'halлий turistlar sonidagi tebraniшlarni barqaror ekanligini aniқланди. Natijada 2022 yilda qabul qilingan ma'halлий turistlar

сони 16262 кишини ташкил қилгани ҳолда 2021 йилдагига нибатан 2,4 барорбарга ошганлигини кузатиш мумкин ва бу жами қабул қилинган туристлар сонига нисбатан анча кичик қийматни ташкил қилмоқда.

Аммо, кейинги беш йилда иккала кўрсаткичнинг ўсиш суръати бир хил темпга эга бўлгани ҳолда маҳаллий туристлар сонини 2026 йилга бориб 21265 кишини ташкил қилиши аниқланди.

Вилоятга қабул қилинган жами ҳамда маҳаллий туристлар сонинг прогноз қийматларидан фойдаланган ҳолда узоқ хориждан қабул қилинган туристлар сонининг прогноз қийматларини ҳисобла чиқамиз (6-жадвал).

6-жадвал

Бухоро вилоятига узоқ хориждан қабул қилинган туристлар сонини прогноз қийматлари, киши¹

йиллар	қабул қилинган жами туристлар сони	қабул қилинган маҳаллий туристлар сони	узоқ хориждан қабул қилинган туристлар сони
2021	11003	6844	4159
Прогноз натижалари			
2022	35762	16262	19500
2023	38512	17513	21000
2024	41263	18764	22500
2025	44014	20014	24000
2026	46765	21265	25500
2026 йилда 2021 йилга нисбатан ўзгариш	3.3	2.4	4.7

Бухоро вилоятига узоқ хориждан қабул қилинган туристлар сони 2026 йилга бориб 25500 кишини ташкил қилгани ҳолда жами қабул қилинган туристлар сонининг 55 фоизини ташкил қилади. Умумий ҳисобда 2021 йилга нисбатан катта миқдорга ўзгариши шунга мос равишда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари ҳамда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонини ҳам оширишни талаб қилади. Шу сабабли мавжуд ривожланиш тенденциясига асосланган ҳолда прогноз қийматларини ишлаб чиқамиз. Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра куйидаги моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди, бошқача айтганда мазкур моделлар бошқаларига нисбатан ишончли эканлиги аниқланди (7-жадвал).

7-жадвал

Бухоро вилоятида меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари ҳамда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонини прогноз қийматларини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган моделлар²


№	Модел	Стъудент мезони	Детерминация коэффиценти	Дурбин Уатсон
1	$H = 59,7 + 1,1 * t^2$	$b_0=25,05$ $b_1=31,97$	0,99	1,9
2.	$(1 - L)TF_t = 2.47 + 0.6 * (1 - L)TF_{t-1} - \varepsilon_{t-1} - 26.6 * D_2$	$b_0=3,32$ $b_1=2,07$ $b_0=-4,04$ $b_1=-6,22$	0.77	-

¹ Манба: муаллиф ишланмаси

² Манба: муаллиф ишланмаси.

Бухоро вилоятида меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сонини прогноз қийматларини ҳисоблаш учун энг мақбул бўлган модел тури квадратик кўринишга эга бўлиб, ушбу ҳолатда детерминация коэффиценти 0,99 ни ташкил қилгани ҳолда моделнинг мослиги юқори даражада эканлигини кўрсатмоқда. Аниқланган барча коэффицентлар ҳам келтирилган мезонлар бўйича адекват ва ушбу моделдан прогноз қийматларини ҳисоблашда фойдаланиш мумкинлигини асослайди.

Туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонини прогноз қийматларини аниқлаш учун зарур бўлган модел ARMAX кўринишига эга бўлиб, 2020 йилда пандемия сабабли амалга оширилган чекловлар натижаларини ҳисобга олиш учун dummy ўзгарувчидан фойдаланилди. Яъни ушбу ўзгарувчида фақат 2020 йил учун бир рақамини қабул қилади, қолган йилларда нолга тенг бўлади. Келтирилган мезонлар бўйича ишлаб чиқилган модел адекват, аммо детерминация коэффиценти нисбатан кичикроқ қийматга эга бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонига набарқарорликни кўрсатиш мумкин, ушбу ҳолатни кузатиш учун 4-расмга мувожаат қиламиз.



4 расм. Туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонини прогноз натижалари

Моделларнинг адекватлигин асослаш учун зарурий ва қўшимча мезонлар натижаларини 8 ва 9 чизмаларда келтириб ўтганмиз.

8-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари

Model 54: OLS, using observations 2010-2021 (T = 12)

Dependent variable: H

	<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>t-ratio</i>	<i>p-value</i>	
const	59.7094	2.38398	25.05	<0.0001	***
time2	1.07152	0.0335168	31.97	<0.0001	***
Mean dependent var	117.7500		S.D. dependent var	51.84439	
Sum squared resid	286.4794		S.E. of regression	5.352377	
R-squared	0.990311		Adjusted R-squared	0.989342	
F(1, 10)	1022.055		P-value(F)	2.11e-11	
Log-likelihood	-36.06382		Akaike criterion	76.12764	
Schwarz criterion	77.09746		Hannan-Quinn	75.76858	

rho	0.015044	Durbin-Watson	1.904889
-----	----------	---------------	----------

9-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари

Model 64: ARMAX, using observations 2011-2021 (T = 11)

Dependent variable: (1-L) TF

Standard errors based on Hessian

	<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>z</i>	<i>p-value</i>	
const	2.47265	0.745022	3.319	0.0009	***
phi_1	0.603386	0.290885	2.074	0.0381	**
theta_1	-1.00000	0.247666	-4.038	<0.0001	***
D2	-26.6050	4.27488	-6.224	<0.0001	***
Mean dependent var	2.363636		S.D. dependent var	13.39606	
Mean of innovations	-0.528379		S.D. of innovations	4.880609	
R-squared	0.769668		Adjusted R-squared	0.712086	
Log-likelihood	-33.70329		Akaike criterion	77.40657	
Schwarz criterion	79.39605		Hannan-Quinn	76.15249	
		<i>Real</i>	<i>Imaginary</i>	<i>Modulus</i>	<i>Frequency</i>
AR					
	Root 1	1.6573	0.0000	1.6573	0.0000
MA					
	Root 1	1.0000	0.0000	1.0000	0.0000

Ушбу натижаларга асосланган ҳолда иккала кўрсаткичнинг 2022-2026 йиллар учун прогноз қийматларини ишлаб чиқдик (10-жадвал).

10-жадвал

Бухоро вилоятида меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари ҳамда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонини прогноз қийматлари¹

Йиллар	меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари		туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар	
	сони	ўсиш суръати	сони	ўсиш суръати
2021	218	х	39	х
Прогноз				
2022	241	110	41	104
2023	270	112	43	105
2024	301	112	45	105
2025	334	111	47	105
2026	369	111	50	105

Ишлаб чиқилган прогноз натижаларига кўра кейинги беш йилликда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сонининг юқори суръатларда ўсиши таъминлангани ҳолда 2026 йилга бориб 369 бирликни ташкил қилади.

Вилоятда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонини кейинги йилларда нисбатан паст суръатлардаги ўсиш таъминланади ва улар сони 2021 йилдаги 39 бирликдан 50 бирликка қадар ошади, яъни ўртача ўсиш суръати 5 фоизни ташкил қилади.

Хулоса: Юқорида ички туризмни мақсад ва вазифалари, табақалашув турлари ва шакллари, ички туризм ва ташқи туризмнинг фарқланиш омилларини буйича услубиёт нуқтаи назардан қарашларни умумлаштириш ҳолда қўйидаги ўзига хос хусусиятларни қайд этиш мумкин:

¹ Манба: муаллиф ишланмаси.

- Маълум хуудлар (вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ, маҳалла) доирасида ички туризм хизматларини ва салоҳиятини жойлашуви;

- Ички туризм ва минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан бевосита боғлиқлиги, туристик хом-ашё салоҳият ва туристик маҳсулот (хизматлар) ўртасида иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини бирлаштирувчи занжирсимон тизмни шаклланишуви;

- Маданият ва маърифат, таълим тарбия ва маҳаллий кадрларни ички туризмни асосий вазифалари сифатида белгиланиши ва асосланиши;

- Зиёрат, маданий-тарихий, географик йўналишдаги ички туризм хизматларига бўлган талабни шаклланишининг юқорилиги;

- Табиатда дам олиш ва қишлоқ туризмга бўлган талабни COVID-19 пандемияси ва аҳоли даромадларини ўсиши шароитида кескин ошиши, шаҳар аҳолисини табиат иқлим афзалликларидан келиб чиққан ҳолда тоғ ва тоғолди, экологик тоза хуудларга кенг кўламда саёхат қилишга ундаши ички туризмни устивор йўналишга айланишига олиб келганлиги;

- Ички туризмни шаклланиши ва ривожланишида нисбатан норасмий саёхатлар улушини юқорилиги, аҳоли томонидан саёхат қилишга ва дам олишга бўлган эҳтиёжларини тез суръатларда ўсиш тенденцияларини келажакда сақниб қолишлиги;

- Аҳолини ижтимоий табақалашуви ички туризмни ривожлантиришда муҳим олиш бўлиб хизмат қилиши, камбағал оилалар, боғча тарбиладувчилари, ўрта мактаб, колледж ва лицей ўқувчилари, студентлар, қарияларни туристик хизматларга жалб қилиниши давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;

- Ички туризмни оилалар ва маҳаллалар кесимида ташкил этилишини устуворлиги, миллий кадрларимизни мустақамлаш ва химоя қилишга қаратилганлиги;

- Йиллик мавсумий ўзгаришлар асосида шаклланадиган туризмга бўлган талабни нисбатан ички туризмни ташкил қилишда таъсири камлигини эътироф этилиши;

- Ички туризмга бўлган эҳтиёж ва саёхатчилар кўламини ташқи туризмга нисбат объектив юқорилиги.

Ички туризмни қайд этилган ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш, талаб ва таклифни ўрганиш, келажак параметрларини илмий асослаш, ўз навбатида ички туризм статистикаси услубиётини янгидан шакллантириш, уни жаҳон андозаларига мослаш энг муҳим ва устивор вазифалар қаторига киради.

Келтирилган прогноз натижаларига кўра кейинги йилларда вилоятда туристик фаолиятни ривожини таъминловчи барча кўрсаткичларда ижобий ўсиш тенденцияси кузатилади. Туристлик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сонидаги ўсиш суръатини нисбатан паст суръатларга эга бўлиши улар интенсивлигини ошириш лозимлигини асослайди. Бундан ташқари маҳаллий туристларни жалб қилишда улар фаоллигини паст эканлиги, улар томонидан таклиф қилинаётган хизматлар сифати ҳамда турпакетлар хилма-хиллигини таъминлаш лозимлигини асосламоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. М,2004,-495с.;
2. Вебер А. Чистая теория размещения. Германия, 1909;
3. Harris R. Models of Regional Growth: Past, Present and Future. Glasgow. 2008.
3. Кузнецова О. Экономическая развитие регионов. М, 2016,-214с.
4. М. Портер Конкурентная стратегия. М, 2016,-114с.
5. Войнова Я.А. Стратегическое планирование развитие рекреационного туризма в регионе; Автореферат диссертации. -М,2019, -28с,
6. Джанджугазова Е.А. Маркетинг туристических территорий. –М, ЮНИТИ, 2018, - 232с.,
7. Ковынева Л.В. Региональный туризм: М. Инфра-М, 2005, -248с.,
8. Орджоникидзе М.М. Интеграция и конкуренция и в управлении туризмом в регионе. Экономика и управление 2018, №44. 36с.

9. Севастьянова С.А. Региональное планирование туризма. М. Финансы и статистика, 2017,-232с.
10. Абдурахманов К.Х. и др. Региональная экономика и управления. Ташкент, -2007, -750с,
11. Т.М. Аҳмедов и др. Региональная экономика. –М,-2006, -156с,
12. А.М. Содиқов Основы региональной развития. Ташкент, -2005,-223с.
13. Ковынева Л.В. региональный туризм. М. Инфра-М, 2005, -248с.
14. Шапкин И.Н. Управление региональном хозяйством.-М, КНОРУС, 2005,-400с.
15. Садиков А.М. основы регионального развития: теория, методология, практика. Ташкент-«IQTISOD-MOLIA»,2005,-206.
16. Ўзбекистон Республикасининг қонуни Туризм тўғрисида. Тошкент. 2019 йил, 18 июль, 5-модда, 2б.
18. Ўзбекистонда туризм. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси. Тошкент. 2020,-14б.
19. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси . Тошкент, 2021йил, 1 июнь. Халқ сўзи газетаси
- 20 Ўзбекистон Республикасини “Туризм тўғрисидаги” қонуни. Тошкент, 2019 йил, 18 июль.
21. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент, 2021 йил, 6 ноябрь. (Халқ сўзи газетаси 2021 йил 7 ноябрь, № 238сон).
22. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент, 2021 йил, 6 ноябрь. (Халқ сўзи газетаси 2021 йил 7 ноябрь, № 238сон).